

1-1-2019

## MAINTENANCE OF NATIONAL CURRENCY SUSTAINABILITY IN UZBEKISTAN

M.S. Akilov

*Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan Uzbekistan, 100000, Tashkent, Mirza Ulugbek district, Movarounnahr street, 16, msakilov@gmail.com*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

---

### Recommended Citation

Akilov, M.S. (2019) "MAINTENANCE OF NATIONAL CURRENCY SUSTAINABILITY IN UZBEKISTAN," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 1 , Article 10.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss1/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ВАЛЮТА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Акилов Маматхон Саидович,**  
**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти**  
*E-mail: [msakilov@gmail.com](mailto:msakilov@gmail.com)*

**Аннотация:** Миллий валюта барқарорлигини таъминлашда Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ўрни, республикада миллий валютани мустаҳкамлашда сўмнинг харид қувватини ошириш, барқарорлигини таъминлаш ҳамда аҳолини турмуш даражасини яхшилаш каби масалаларни ёритишдан иборат.

**Калит сўзлар:** Марказий банк, пул-кредит сиёсати, эмиссия, кредит, миллий валюта, инфляция, таргетлаш, импорт, валюта курси, биржа.

**Аннотация:** Роль денежно-кредитной политики Центрального банка в поддержании стабильности национальной валюты, повышении покупательной способности сума в укреплении национальной валюты в республике, обеспечении устойчивости и повышении уровня жизни населения.

**Ключевые слова:** Центральный банк, денежно-кредитная политика, эмиссия, кредит, национальная валюта, инфляция, импорта, курс валюта, биржа.

**Abstract:** The role of the monetary policy of the central bank in ensuring the stability of the national currency is to strengthen the national currency in the Republic, to increase the purchasing power of soums, to ensure stability and to cover such issues as improving the standard of living of the population.

**Keywords:** Central Bank, monetary policy, issue, credit, national currency, inflation, import, exchange rate, exchange.

### Кириш

Республикада миллий валютани мустаҳкамлашда сўмнинг харид қувватини ошириб бориш ва унинг барқарорлигини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Бунда бозорни рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдириш ва зарур эҳтиёжлар ҳосил қилиш орқали эришилади. Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришда миллий ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтириб бориш, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки шу орқали истеъмол товарлари сотишнинг умумий ҳажмида миллий маҳсулотлар ҳиссаси ошириб борилади. Шунини таъкидлаш жоизки, миллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали сўмнинг барқарорлигини таъминлаш четдан маҳсулот келтиришни инкор қилмайди. Аҳолини сифатли чет эл товарлари билан таъминлаш мақсадида импорт ҳам рағбатлантириб борилади. сўмнинг барқарор амал қилиши, унинг ҳар қандай валютага эркин алмашилиши етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Унга эришишда корхоналар ва барча хўжалик юритувчи субъектларнинг, жаҳон бозорига рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариши учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади. Сўмнинг барқарорлигини таъминлашда ундан эҳтиёткорона ва тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришга сарфланган маблағларнинг энг кўп самара беришига, олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришиш муҳим ўрин тутди.

Макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда пул-кредит тизими асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам жаҳон мамлакатлари олдида иқтисодий тараққиётнинг замонавий босқичида пул

муомаласини тартибга солиш ва уни барқарорлаштириш асосида миллий валютанинг харид қувватини мустаҳкамлаш, инфляция даражаси ошиб кетишига йўл қўймаслик каби вазифалар долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Пул муомаласини ташкил қилиш ва тартибга солиш борасида самарали сиёсат олиб бораётган ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, «пул массаси динамикасини тартибга солиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омил бўлиб мақсадли йўналишлар сифатида Францияда назорат қилиш миқдорларини ўрнатиш, АҚШда ўзгариш кўламларини чегаралаш, Японияда эса прогнозлаш тартиби ҳисобланади» [1].

Жаҳон иқтисодиётида пул муомаласини ташкил қилиш ва тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш, пул муомаласи муносабатларини таҳлил қилиш, пул сиёсатини танлашнинг илмий асосланган услубиятини ишлаб чиқиш орқали валюта барқарорлигини таъминлаш йўлларини белгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пул-кредит тизими ва пул муомаласи назарияларида бўлган турли хил қарашлар, уларнинг ривожланиш тарихи, жаҳон иқтисодиёти пул муомаласи тизимининг жорий ҳолати ва унинг келажакдаги истиқболлари, илғор мамлакатлар пул-кредит муносабатларини янада такомиллаштириш асосий илмий тенденциялардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳозирги жадал иқтисодий ислохотлар даврида банк тизимини барқарорлаштириш, пул муомаласини ташкил қилиш ва тартибга солиш, мамлакатни сифат жиҳатдан янги даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур барқарор макроиқтисодий ва қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, аҳоли эҳтиёжи ва талабларига мутаносиб замонавий, самарали банк хизматларини тақдим этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, бугун банк тизими олдида «мамлакат тараққиёти учун долзарб масалалар, жумладан, валюта сиёсати ва бозорини халқаро талаб ҳамда андозалар асосида эркинлаштириш, миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш, унга эришишда пул-кредит сиёсати инструментларининг ролини кенгайтириш, банк тизимини бугунги кун талабидан келиб чиқиб ислоҳ қилиш, унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва турини кўпайтириш» [2] каби вазифалар турибди.

Банк тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, миллий валюта –сўмнинг асосий жамғариш функциясини бажаришдаги ролини оширишга ва уни чет эл валютасига эркин конвертация қилиш амалиётини янада кенгроқ жорий қилинишга йўналтирилмоқда. Содда қилиб айтганда, банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини унинг ишончли ҳамкорига айланишига, пировардида, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи тизимни шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонида миллий валюта қадрини оширишга қаратилган вазифалар сифатида миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш алоҳида белгилаб берилган.

Россиялик таниқли иқтисодчи-олим М.Малкина [3] пул-кредит сиёсатига қўйидагича таъриф беради: “Пул-кредит сиёсати – Марказий банк томонидан пул массаси ва пуллар қийматини бошқариш бўйича комплекс чора-тадбирлар бўлиб, мамлакатда баҳолар, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади”.

С.Моисеевнинг [4] фикрига кўра, пул-кредит сиёсати – бу давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш борасидаги сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, пул бозоридаги талаб ва таклиф унинг объекти ҳисобланади.

У. Азизовнинг [5] фикрига кўра, монетар сиёсат бу давлатларнинг пул-кредит соҳасидаги сиёсати бўлиб, иқтисодиётнинг ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Монетар сиёсат концепциясини фанда илк бор классик иқтисодчи олим Ирвинг Фишер ўзининг “Пулнинг харид қуввати” номли асари билан киритди.

Иқтисодчи олим О. Намозов [6] фикрига кўра инфляциянинг мақсадли кўрсаткичидан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида фойдаланиш зарур ва бунинг учун қўйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур, деб ҳисобдайди.

1. Индикатор сифатида танланаётган инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи маълум даражада барқарор бўлиши, товарлар ва хизматлар баҳосига нисбатан мустақил бўлиши, фундаментал инфляцион жараёнларга боғлиқ бўлмаслиги ва ишончли тарзда прогноزلанадиган бўлиши лозим.

2. Инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи диапазонининг кенглиги аниқ белгиланган бўлиши ва уни белгилашда жорий инфляциянинг суръати, баҳолар тебранишининг табиати, миқёси эътиборга олинishi лозим.

3. Марказий иқтисодий органларнинг макроиқтисодий мувофиқ- лаштириш фаолиятларини мувофиқлаштиришни янада кучайтириш лозим.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур мақолада хорижий ва маҳаллий олимларнинг докторлик, номзодлик диссертациялари, илмий монографиялари, ўқув қўлланмалари ва мақолаларини таҳлил қилиш, жадвалларни аналитик таққослаш, гуруҳлаш, миқдор ва сифат кўрсаткичларни ҳисоблаш, уларни бир-бири билан солиштириш каби услублардан фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда инфляцияни жиловлашга қаратилган аниқ ўйланган сиёсатнинг амалга оширилиши миллий валютани мустақамланишининг муҳим шартларидан бири сифатида қаралмоқда. Бунда, миллий валютанинг девальвация даражаси устидан катъий назоратнинг ўрнатилиши ҳамда унга қарши самарали тадбирларни қўллаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, шу орқали пулнинг қадрсизланишида мақбул суръатни танлашга эришилади. Жумладан, инфляцияни жиловлашга қаратилган сиёсатни муомаладаги пул ҳажми ўсиш суръатларининг товар ва хизматлар ҳажмининг муайян ўсиш тенденциялари билан уйғунликда амалга оширилиши билан мос равишда олиб бориш зарур бўлади. Чунки харид қилиш учун товарлар етарли бўлмаган ҳолда аҳоли қўлида пулнинг ортиқча кўпайиб кетиши инфляциянинг янада авж олиб кетишига сабаб бўлади.


1994 йилдан бошлаб [7] Ўзбекистонда амалга оширилган пул-кредит сиёсати ҳам пул массасининг кескин ўсиб кетишини олдини олиш орқали миллий валюта

барқарорлигини таъминлаш мақсадларига қаратилди. Бунда резерв пуллар ва пул массасининг ўзгариши операцион ҳамда оралиқ мўлжаллар сифатида қўлланилди.

Мазкур режим расман монетар таргетлаш деб таснифланса-да, амалиётда миллий валютанинг алмашув курсини АҚШ долларига боғлаш орқали босқичма-босқич девальвация қилиб борилганлиги туфайли баъзи халқаро институтлар ва мутахассислар томонидан ушбу режим аралаш турга киритилган. Бир вақтнинг ўзида икки мақсадга йўналтирилган алмашув курси сиёсати ташқи шоклар вужудга келган шароитларда самарасиз эканлигини кўрсатди. Бунда бир томондан олтин-валюта захираларини ошириш вазифаси қўйилган бўлса, иккинчи томондан сўмнинг алмашув курсини маълум бир даражада ушлаб туриш мақсади кўзланган. Ўз навбатида, мазкур алмашув курси тўлов баланси ҳолати ва ташқи иқтисодий шароитларни ўзида акс эттирмаган.

Бундай сиёсат, ўз навбатида, ички валюта бозорида муаммоларни юзага келтириб, самарали пул-кредит сиёсатини юритиш имкониятларини пасайтирди. Бундан ташқари, пул-кредит инструментларидан фойдаланишнинг пассив режими монетар таргетлашни самарали қўллашда қўшимча қийинчиликлар туғдирди.

Пул массаси ўзгаришини омиллар асосида таҳлили, пул массаси ўсиши турли даврларда олтин-валюта захираларининг ошиши ҳамда иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг кенгайтириш ҳисобига таъминланганлигини кўрсатмоқда. Ўз навбатида, Давлат бюджетининг мувозанатли ижроси ва ҳукумат ҳисобрақамларида маблағлар йиғилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобрақамларида маблағларнинг жамланиб борилиши пул массаси ўсишини мақбуллаштирувчи омиллар ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, 2018 йилда иқтисодиётни кредитлашнинг асосий манбалари марказлашган маблағлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилганлиги ҳамда ушбу маблағларнинг асосан ишлаб чиқариш технологиялари ва хомашё материалларини импорт қилиш мақсадида фойдаланилганлиги иқтисодиётда пул массаси ўсишига ва мос равишда инфляция даражасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаганини кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Инфляция ва пул агрегатларининг ўзгариш динамикаси, фоизда [8]




Умуман олганда, ушбу омиллар таъсирида пул массаси тез суръатларда ошишининг олди олинган.

Шу билан бирга, амалга оширилган таҳлиллар натижасида инфляция даражаси, ЯИМ дефлятори ва пул массаси ўзгариши ўртасида аниқ ва барқарор ўзаро боғлиқликлар аниқланмади.

Пул айланиш тезлиги ва пул мультипликатори кўрсаткичлари ўзгариши ҳам ушбу кўрсаткичлар динамикасининг ўзгарувчан характерга эга эканлигини, пул-кредит кўрсаткичларининг мақсадли параметрларини ишлаб чиқишда хатоликларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. 2-расмда пул мультипликатори ва пул агрегатларининг ўзгариш тенденцияси келтирилган.

Умуман олганда, пул массасининг ЯИМ номинал ҳажмига нисбатан мўътадил даражада ўсиши инфляция босимининг сезиларли кучайишини олдини олишга хизмат қилди. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичлар ўртасида аниқ боғлиқликнинг мавжуд эмаслиги резерв пуллар ва пул массаси аниқ даражасини ҳисоблаш имкониятини бермайди.



**2-расм. Пул мультипликатори ва пул агрегатларининг ўзгариш тенденцияси [9]**

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, Марказий банкнинг пул агрегатларини самарали бошқара олиши қобилияти билан боғлиқ. Одатда, марказий банклар резерв пуллар даражасини самарали бошқара оладилар, аммо пул массасини назорат қилишда қийинчиликларга дуч келадилар. Ушбу жараён асосан долларизация даражаси юқори бўлган ҳамда молия бозорлари ривожланиш босқичида турган мамлакатларда кўп кузатилади, бинобарин, бундай мамлакатларда кредит ва депозитларга бўлган талаб кескин ўзгариб туриши мумкин. Пулга бўлган талабнинг ўзгарувчанлиги, кенг маънодаги пул массасининг таркиби, долларизация даражасининг юқорилиги каби омиллар пулга бўлган талабни аниқлаш имкониятини пасайтиради. Бундай ҳолатда, пулга бўлган талаб ва фоиз ставкалари ўртасидаги боғлиқлик суст бўлганлиги сабабли Марказий банк учун пул массасининг мақсадли даражасини сақлаб туриш вазифаси мураккаблашади.

Юқорида қайд этилган муаммолар натижасида кенг маънодаги пуллар ҳажмининг оралиқ мўлжаллардан четлашиши Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатига бўлган ишончни пасайтиради [10].

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сўмнинг барқарорлигини таъминлашда нақд пул эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали аҳамиятга эга. Бунда муомалага чиқарилган пул миқдорининг ўз вақтида қайтарилишига эришиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишини ва кунлик тушумларни банкларга топширилишини таъминлаш чораларини кўриш керак.

Шунингдек, миллий валютани барқарорлигини таъминлашда ва инфляцияни пасайишига эришишда яна бир қудратли омил миллий валюта алмашув курсининг барқарорлашувига эришишдир. Бу ўз навбатида, импорт нархларининг барқарорлашувига олиб келадики, натижада ички бозордаги нархлар ўзгаради.

Ривожланган мамлакатларда монетизация даражасининг юқори эканлиги иқтисодиётнинг пул маблағлари билан етарли даражада таъминланганидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда монетизация даражаси нисбатан паст бўлиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 29,4 фоизни ташкил этди. Бу эса нисбатан қуйи кўрсаткич бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси паст эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам бу борада республикамизда олиб борилаётган ишларни янада ривожлантириш талаб этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. <http://msd.com.ua/finansy-dengi-kredit-i-banki/regulirovanie-denezhnogo-obrashheniya-kak-chast-denezhno-kreditnoj-politiki-gosudarstva/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»: расмий нашр. - Т.: Адолат, 2017. -112 б.
3. Малкина М.Ю. Инфляционные процессы и денежно-кредитное регулирование в России и зарубежом. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2012. – С. 254.
4. Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и политика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия. 2011. – С. 21.
5. Азизов У.Ў. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда монетар ва фискал дастаклар таъсири. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2013. – Б. 15.
6. О. Намозов, С. Сагдуллаев. Инфляционное таргетирование в монетарной политике стран с переходной экономикой//БПК.-апрель, 2003.- с 35-39.
7. Ўзбекистон шароитида мустақил пул-кредит сиёсатини юритиш имконияти 1994 йилда миллий валютанинг муомалага киритилганидан сўнг пайдо бўлди.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари,  
<http://cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/concept/>
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари,  
<http://cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/concept/>
10. Марказий банк пул-кредит сиёсатини ривожлантириш ва амалга ошириш концепцияси. <http://cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/concept/>
11. <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).